

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажикимиз", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Кейинги икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга маъмул лавозимлар ҳамда бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисига Мурожаатномасида бу ҳақда очик-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

– Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмапти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётини яхшилашга нима бўлаётди, деган савол ҳар куни қийнайдми, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга маъмул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, куни кеча Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

– Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишни ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқиш бўйича

Йиғилишда аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳолини таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи

йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари ҳаритаси тузилиши белгиланди.

– Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур, – деди Президент.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур жойларда артезиан ва қудуқлар қазииш бўйича топширик берилди.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори.

Шу билан бирга, бугунги кунда

қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Йиғилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўқиш якуни бўйича Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан танлов эълон қилиниб, энг илгор лойиҳа учун "старт"га 20 миллион сўм миқдорига грант ажратилади. Ҳокимлар ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан илгор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар беради.

Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз аёллар ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган хунарлар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Бунинг учун маҳалла идоралари ёки ҳудуддаги бинолардан жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури"ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантириш бўйича топширик берилди.

Қатор ҳудудларда касбга ўқитиш борасидаги ишлар кескин танқид қилинди. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг 11 туманида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида 9 тадан, Сурхондарёнинг 7, Жиззахнинг 5 туманида бирорта ҳам бундай марказлар йўқлиги қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли Ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли Ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига

чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли Ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган Ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 26 февраль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги bosқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим қамровининг ошиши, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг жорий қилиниши ҳамда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўламининг кенгайтириши мунсабатини илгор халқаро малакали мутахассисларга нисбатан юзага келаётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 1 та хорижий ва 4 та маҳаллий олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари аввало таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илгор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илгор таълим технологияларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин: тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуқсиз тизимини жорий қилиш; педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликла-

ри бўйича ўқув режа ва дастурларини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуқсиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнларини самарадорлигини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ўқув дастурлари ҳажмини инobatта олган ҳолда олий маълумотли педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш мақсадида педагогик таълим соҳасининг айрим таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари доирасида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-саҳифада)



**Автомобиль йўлида велосипед йўлаги ҳам бўлади**

**Бухоро шаҳридаги 4P91д (А380 автойўлидан Бухоро аэропорти йўналиши) автомобиль йўлининг 3 километр қисмида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.**

– Таъмирлаш ишларига 100 нафарга яқин йўлсоз жалб этилган, – дейди Роман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси иш юритувчиси Исмоил Омонов. – 30 га яқин техника оғиримизни енгил қилмоқда.

Бунёдкорлар шу кунларда йўл қопламасини таъмирлаш, йўл ёқасига бетон тўсиқлар жойлаштириш, ёмғир сувларини қочиритиш тизими ҳамда кўчаларнинг таъмирлаш ишларини бажармоқда. Йўл бўйича ўрнатилган замонавий тунги ёритиш тизими зарур ёруғлик узатишда муаммолар келиб чиқмаслигини таъминлайди.

Йўлсозларнинг таъкидлашича, мазкур йўл четидан янги лойиҳа асосида велосипед йўлаги ҳам жой олади.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Жиззах вилояти

## Бахмалда заъфарон етиштирилади

Халқаро бозорда унинг ҳар килоси 8 мингдан 30 минг еврогача баҳоланади



Жиззах вилоятининг Бахмал туманида Италиянинг OPERA SRL ширкати заъфарон плантацияларини яратмоқчи. Бу ҳақда ширкат президенти Паоло де Анжелис Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А. Икрамов билан учрашувда маълум қилди.

Италиялик тадбиркор тақдим этган лойиҳанинг дастлабки қиймати 20 миллион долларни ташкил этиб, у 400 гектар ерда заъфарон ўсимлигини етиштиришга мўлжалланган. Заъфарон бугунги кунда фармацевтика ва парфюмерия соҳаларида харидорғир. Унинг бир килограмми халқаро бозорда 8 мингдан 30 минг еврогача туради. Албатта, сифатидан келиб чиқиб, дея хабар беради Ўзбекистон савдо-саноат палатаси матбуот хизмати.



Абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Азалий қардошлик янада мустақамланмоқда  
Стратегик шериклик шартномаси – амалда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

4. Барча таълим муассасаларига замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қодир бўлган профессионал педагог кадрларни етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги:

2020 йил 1 апрелга қадар педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида **абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар** ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилишини таъминласин;

2020 йил 20 апрелга қадар ишлаб чиқилган абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича муҳокама натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

5. Худудларда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, таълим соҳаси учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

Самарқанд давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда **Самарқанд давлат университетининг Педагогика институти**;

Андижон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда **Андижон давлат университетининг Педагогика институти**;

Бухоро давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда **Бухоро давлат университетининг Педагогика институти**;

Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ҳамда Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда **Термиз давлат университетининг Педагогика институти** ташкил этилсин.

Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали ҳамда Қарши давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда **Қарши давлат университетининг Педагогика институти** ташкил этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 5-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагогика институти:

фаолиятини молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, етмаган қисми олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; мақоми бўйича маҳаллий олий таълим муассасаси филиалига тенглаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган педагогика институти фаолиятини ташкил этиш;

уч ой муддатда **Қўқон давлат педагогика институти** ва **Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти** фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Тошкент давлат педагогика университети мунтазам илмий-педагогик фаолият билан машғул бўлган, юқори малакали, тегишли соҳада чуқур касбий билим ва ютуқларга эришган ходимларга **педагогика ва ўқитиш методикаси ихтисосликлари бўйича доцент ва профессор илмий унвонлари** бериш ҳуқуқи берилсин.

9. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) қуйидаги механизмлар жорий этилсин: тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан халқ таълими ва мактабгача таълим соҳаларида олий маълумотли педагог кадрларга **эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини** шакллантириш;

тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан олий таълим соҳасида профессионал педагог кадрларга **эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича салоҳиятли олий таълим муассасалари магистратурасига давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини** шакллантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўқишга мақсадли қабул қилинган талабалар билан **тегишли қабул йилнинг 1 декабрь** кунига қадар мазкур банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган мажбуриятларни акс эттирган шартномалар расмийлаштирилишини таъминласин;

в) дастлабки босқичда **Тошкент давлат педагогика университетиде ўқув жараёни ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилган ҳолда таълимнинг кредит-модуль тизими асосида** ташкил этилсин;

г) педагогик фаолиятда умумтаълим фанлари муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда алоҳида иқтидор талаб этиладиган педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун **касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий учта – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартиби жорий қилинсин.** Бунда, қоида тарихида, мажбурий учта фан бўйича тест синовлари касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари эълон қилинганидан сўнг ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Республика илмий-педагогика кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида унинг негизда **Республика педагогик таълим ресурс мар-**

казини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида мазмун жиҳатидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича **асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация)** бериш тизимини йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда педагогик амалиёт даврида талабаларга дарс беришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов** – ташкил этилаётган педагогика институти фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарурий чоралар кўрсин, барча олий таълим муассасаларидаги **педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари** ва магистратура мутахассисликларида **ўқув жараёнини таълимнинг кредит-модуль тизими асосида** йўлга қўйилиши ҳамда ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича **асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация)** бериш тизими жорий этилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

**Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов, Бухоро вилояти ҳокими У.И.Барноев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов** – ҳудудларда ташкил этилаётган педагогика институти фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда **ҳар томонлама кўмаклашсинлар;**

**масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари** – мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев** – ушбу қарорнинг **мазмун-моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 27 февраль

# Ўзбекистон – Қозоғистон иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, маданияти ва қадриятлари ўхшаш бўлиб, халқларимиз азалдан бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келган. Бу яқинлик бугунги кунда давлатлараро ҳамкорликка мустақам асос бўлмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган абадий дўстлик тўғрисидаги ҳамда 2013 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар асосида тараққий этмоқда.

Ҳамкорлик форуми доирасида учта шўъба йиғилиши, хусусан, "Ишлаб чиқаришда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали чегарадош ҳудудларда инвестицион ҳамкорлик истиқболлари", "Агротранс секторини ҳамкорликда ривожлантириш" ҳамда "Инсон капитални ривожлантириш: етакчилик асослари" мавзуларидаги сессиялари бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари масъул ходимлари, ҳудудлар, ташкилотлар ва компаниялар раҳбарлари

сўзга чиқиб турли мавзуларда маърузалар қилди.

– Ушбу форум ўзининг икки томон вақиллари учун ҳам бирдай фойдали эканлиги билан аҳамиятлидир, – дейди Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири ўринбосари Кайрат Торебаев. – Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар динамикаси фаоллашиши натижасида 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида кўплаб савдо-инвестициявий шартномалар ва ҳудудлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланган эди. Кейинги икки йилда ўзбекистонлик шериклар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳудудлар даражасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва бошқа масалалар бўйича аниқ ижобий натижаларга эришдик.



Сўнги йилларда мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва сайёҳлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида ҳудудлар раҳбарлари бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакилларнинг ўзаро таширф алмашилиши амалиёти йўлга қўйилди ҳамда ушбу таширфлари доирасида бизнес форумлар ва

ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ўтказиб келинмоқда.

Халқаро форум доирасида чегарадош ҳудудларнинг ишбилармонлик доира вакиллари шавтироқида контрактлар биржаси, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шартномалар имзолаш маросимлари ҳам ўтказилди.



Унда кўплаб савдо-инвестициявий шартномалар ва ҳудудлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланишига эришилди.

– Биз 2011 йилдан буён қурқа гўшти етиштириш ва уни қайта ишлаш билан шуғулланамиз, – дейди қозоғистонлик тадбиркор Мурат Тоғаев. – Корхонамизда ҳар йили ўн минг тонна қурқа гўшти етиштирилади ҳамда унинг яримдан кўпи қайта ишланади. Айни вақтда 85 турдаги қурқа гўшти маҳсулотларини етиштиришдан ташқари қурқа терисини ҳам қайта ишлаб тайёр маҳсулот сифатида савдога чиқармоқдамиз. Биз ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишни бошлаганимизга бир йилдан ошди. Корхонамиз Россия, Беларусь каби давлатлар билан

ҳам ҳамкорлик қилади. Бироқ энг яқин кўшилар билан савдо қилиш бу жуда қулайдир. Бугун яна бир қатор фирмалар билан йилга 1000 тонна қурқа гўшти етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Ушбу форум биз учун жуда манфаатли ва омадли бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми орқали янги имкониятлар эшиклари кенг очилмоқда. Мазкур тадбир нафақат янги ҳамкорларни топиш ва алоқа ўрнатиш, янги бозорларни эгаллаш ҳамда инвестиция киритиш ёки жалб қилиш учун ажойиб имконият яратди, балки, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона ва яхши кўшничлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилади.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.




Техника – деҳқоннинг қаноти  
Ундан оқилона фойдаланайлик!

Кўчат экинг, дарахт ўстиринг!  
Яхшидан боғ қолади, дейдилар.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида омавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида медиа-тур бўлиб ўтди.

# Илмий натижалар бор... уларни ҳаётга татбиқ этишчи?



боғдорчилик ва сабзавотчиликни механизациялаш бўйича, 1 таси машина-технологиялар тизими ва машина-трактор паркдан фойдаланиш бўйича, 3 таси мобил энергетика воситалари бўйича, 2 таси қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежаш ва технологик жараёнларни автоматлаштириш бўйича, 1 таси лалми ерлар ва чўл яйловларни механизациялаш масалаларига қаратилган. Ҳозирги пайтда республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари билан ҳамкорликда ресурстежамкор техника воситаларининг янги намуналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадбирлари бажарилмоқда. Институтда 400 нафарга яқин фан докторлари ва номзодлари тайёрланиб, олимлар томонидан 850 та муаллифлик гувоҳномалари ва 100 га яқин Ўзбекистон Республикасининг патентлари олинган.

– Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг фаолияти давомида 60 дан ортик турли машина ва мосламалар ишлаб чиқилган, – деди илмий муассаса раҳбарининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор Муҳаммадҷон Тошболтаев. – Дунёда биринчи вертикал-шпинделли пахта териш машинаси, гилдиракли ва занжирли пахтачилик тракторлари учун биринчи агрегат, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари учун кичик техника воситалари яратилган. Эндиги навбат эса уларни сановат усулида қўллаб ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдир. Шу ўринда бир мулоҳаза. Мамлакатимизга четдан техника олиб келиш урфга айланиб қолди, десак муболага бўлмайди. Аммо уларга сервис хизмати кўрсатиш жуда қимматга тушади. Сабаби, битта винтини ечиб қотирадиган калити ҳам фалон пул. Мухимроқ қисмларини 10 та туянинг пулига харид қилишга тўғри келади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда таннарх ошиб кетаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўзимизнинг олимлар яратган техникалардан унумли фойдаланиш биз учун фақатгина фойда келтириши шубҳасиздир.

уруглик пахтани терадиган машиналар, дунёда биринчи қаноп йиғадиган комбайн, пахта чигитини саралайдиган ва қобиклайдиган технологиялар, техника воситалари, сабзавотчилик трактори, гўзапояли майдонларга дон экадиган агрегат, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари учун кичик техника воситалари яратилган.

Тадбирда намоийш этилган барча ишланмалар журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, лалми майдонларда уруғ экишга мослашган комбинациялашган пневматик сеяланинг дунёда бошқа муқобили йўқ. Чунки бу қурилма лалми ерларда бир йўла ерни юмшатиб, уруғни экиб ва тупроқ устини зичлаб беради. Бундай ихтиролар илмий муассасада қўллаб яратилган. Эндиги навбат эса уларни сановат усулида қўллаб ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдир. Шу ўринда бир мулоҳаза. Мамлакатимизга четдан техника олиб келиш урфга айланиб қолди, десак муболага бўлмайди. Аммо уларга сервис хизмати кўрсатиш жуда қимматга тушади. Сабаби, битта винтини ечиб қотирадиган калити ҳам фалон пул. Мухимроқ қисмларини 10 та туянинг пулига харид қилишга тўғри келади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда таннарх ошиб кетаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўзимизнинг олимлар яратган техникалардан унумли фойдаланиш биз учун фақатгина фойда келтириши шубҳасиздир.

Анжуманда иштирок этган омавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.



## Навоийда ёш сувчилар боғи барпо этилди

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг қарийб 30 фоизини ёшлар ташкил этади.

Яқинда бошқарманинг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига бириккан ёш сувчилари яхши бир ташаббус билан чиқишди. Фойдаланилмаётган майдонлардан бирида “Ёш сувчилар боғи” барпо этиш ва ушбу боғда сугоришнинг инновацион усулларини амалда синая кўриш гоёсини раҳбариятга билдиришди. Раҳбарият кўрсатмаси билан ушбу боғ Хатирчи туманидаги тоғолди, хушманзара табиатга эга, булоқ, ёмғир ва қор сувлари билан тўйинадиган “Кўксарой” сув омбори ҳудудида барпо этиладиган бўлди.

Куни кеча тизим ёшлари бир ёқадан бош чиқариб, ушбу сув омбори ҳудудидаги 5 гектарлик майдонга меваги ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишди. Жумладан, 2000 туп ёнғоқ, 1000 туп бодом, 1000 туп арча ниҳоллари экилди.

– Биз ушбу янги боғга яхши ниятлар билан “Ёш сувчилар боғи”, дея ном бердик. Аҳамиятли томони шундаки, бу ерда экилган ниҳоллар асосан, тежамкор технологиялар воситасида томчилатиб сугорилади. Шунингдек, ушбу боғ келажакда тизим ёшлари учун сугоришнинг инновацион усуллари амалда қўллаб кўриладиган ўзига хос синон майдончаси вазифасини ҳам бажаради, – дейди бошқарма Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Улуғбек Назаров. – Бундан ташқари, янги боғ истиқболда тизим ишчи-ходимлари, жумладан, ёшлари учун маданий ҳордиқ чиқарадиган масканга ҳам айланади.

Отабек АСЛОНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## Бухорода янги газ захираси

у тўғридан-тўғри истеъмолга чиқарилади

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятидан хабар беришларича, “Газли” нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Учқир” газ конденсат қонидаги 203-сонли қудуқнинг 14-қатламида, яъни, 1638-1628 метр, 1618-1616 метр чуқурликда бургулаш ишлари ўтказилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди.



Натижада фаолияти тугатилган қудуқда олтингургурсиз табиий газ захираси мавжудлиги аниқланди. Ҳозирги кунга келиб кунлик 100 минг метр куб миқдорда сановат миқёсидаги табиий газни қазиб олиш ишлари йўлга қўйилди. Энг муҳими, ушбу олтингургурсиз табиий газ қўшимча қайта ишлашни талаб қилмайди. Уни тўғридан-тўғри истеъмолга йўналтириш мумкин.

## МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

Глобал иссиқлик ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатишига қарамай пахтакорларимиз тезпишар навларни катта майдонларга экмоқда.



# Нав танлаш – муваффақиятнинг муҳим омили

2019 йилда ҳар гектар пахта майдонидан 27,5 центнердан пахта етиштирилиб, ўтган йилдагидан 5 центнердан кўп қўшимча пахта териб олинди.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари пахтакорлари Республикадаги пахта хирмонига салмоқли улчуларини қўшдилар.

Езёвон, Риштон, Қўштепа, Тошлоқ, Бағдод, Фурқат, Учқўприк, Жалақудуқ, Улунор, Қораўзақ, Амударё, Беруний, Тахياتош, Янгибозор, Хонқа, Хива, Қорақўл, Вобкент, Когон, Дўслик, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Иштигон, Жарқўрган, Қумқўрган, Термиз, Мирзаобод, Ховос, Сайхунобод, Бобевут, Чиноз, Қўйичирчиқ, Пискент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари пахтакорлари етиштирилган ҳосиллини тез ва қисқа фурсатда йиғиштириб олишда бошқаларга ўрнак бўлишди.

Бу муваффақиятларнинг муҳим омилларидан бири нав танлашга боғлиқ. Нав яхши бўлса ҳосил ҳам сифатли, ҳам салмоқли бўлади. Агротехникада интенсив технологияларнинг қўлланаётгани, ғўза навларини янада яхшилашга эътибор қаратилаётгани самара бераётди.

Мустақиллик йилларида селекционер олимларимиз томонидан қўллаб янги ғўза навлари яратилди ва уларнинг аксарияти

давлат реестрига киритилиб, ҳудудларда экишга тавсия этилди.

Янги навлар серҳосил, тезпишар, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон бозори ва тўқимачилик сановати талабларига жавоб беради, касаллик ва зараркундаларга чидамли, энг муҳими ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароити инобатга олиниб жойлаштириш режалаштирилган.

2019 йилда эртапишар ғўза навлари 608 минг гектар майдонга экилган бўлса, 2020 йилда кластер ва фермер хўжаликлари тезпишар навларнинг майдонларини кенгайтириб, 695 минг гектарга экишни мўлжалламоқдалар.

Ғўза экиладиган майдонларнинг 3 дан 2 қисмида тезпишар, ҳудудлар иқлим-шароитларига мослашувчан “Султон”, “Бухоро-102”, “Наманган-77”, “Андижон-35”, “С-4727”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-4”, “Андижон-36”, “С-8290”, “Хоразм-150”, “Хоразм-127” навлари экилса, ҳосилдорлик борасида кўзланган натижани беради.

Топла сифатини яхшилаш масалалари юртимиз селекционерларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу билан бир қаторда ғўза навларининг касаллик ва зараркундаларига, бошқа табиий таъсирларга бардошлилигини оширишга доимий эътибор қаратилаётди. Кластер, фермерларнинг пахта экишдан кўзланган

асосий мақсади, мўл ҳосил етиштириш ва юқори даромад олиш бўлади. Олимларимиз яратаётган, ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос, тезпишар, ҳосилдор, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳақиқий маънода айтганда, деҳқонбоп навлар бўлмоғи зарур.

Охириги йилларда об-ҳавонинг кескинлашиши айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида вегетация даврида ҳароратнинг кўтарилиши, шунингдек, гармселнинг узоқ вақт давом этиши ушбу вилоятларда экилиб келинаётган ўрта толали ғўза навларининг ҳосил элементларининг тўқилишини кўпайтирди. Шуларни инобатга олган ҳолда, 2020 йилда Сурхондарё вилоятида 40 минг, Қашқадарё вилоятида 6500, Бухоро вилоятида 5000 ва Навоий вилоятида 1000 гектар майдонга ингичка толали навларни экиши режалаштирилган.

Ингичка толали ғўза навлари биологик хусусиятларга кўра, ўрта толали ғўза навларига нисбатан, табиий экстремал шароитларга, сувсизликка, гармселга ва бошқа табиий ноқулайликларга бардошли ҳисобланади. Нима учун дегадда, ингичка толали ғўза навлари морфобиологик жиҳатдан ўрта толали ғўза навларига қараганда, поясининг туқланганлиги барг пластинкасининг қалинлиги, зарарку-

нандаларга бардошлилиги билан ҳам ажралиб туради.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар давомида Сурхондарё вилояти шароитида ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг воҳадаги гармселга бардошлилиги ўрганилганда ҳосил элементларининг тўқилиши ўрта толали ғўза навларида 75, ингичка толали ғўза навларида 35 фоизни ташкил этиши аниқланган. Булар билан бир қаторда ушбу вилоятларда сув ресурсларининг чеklangанлигини ва ҳаво ҳароратининг нисбатан кўтарилишини ҳам эътиборга олган ҳолда, ингичка толали пахта етиштириш самарадорлиги юқорилигини ҳам инобатга олиш лозим.

Кейинги йиллари мамлакатимизда ғўзанинг фақатгина ўрта толали навлари экилиб, ингичка толали ғўза навлари эса деярли етиштирилмай келганлиги боис, янги ресурстежовчи агротадбирлар ўрта толали ғўза навларида ўрганиб келинган. Шунинг учун, бугунги кунда янги ингичка толали ғўза навларини яратиш ва парварилаш учун махсус илмий агротадбирларни ишлаб чиқиш пахтачиликдаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ренат НАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

## ЭЪЛОН



“Учқўрғон дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти жамиятнинг маъмурий биносини тўла таъмирлаш (реконструкция) ишларини бажариш учун капитал таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида тендер эълон қилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:  
Наманган вилояти Учқўрғон шаҳри П.Турсун кўчаси 1-уй тел: (69) 461-03-60, (93) 914-53-54.  
Тижорат таклифлари эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади. Тижорат таклифлари муҳрланган конвертда тақдим этилиши лозим.



Ота орзусини рўёбга чиқарди  
Халқ ўқитувчиси бўлди.

Эҳтиёт – шарт!  
Олов билан ўйнашманг.

## ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

1961 йилнинг сентябри. Анажон ая олти яшар ўғли Аҳмаджоннинг қўлидан тутиб мактабга олиб борди. Ўқитувчи Шарифажон опа Ёқубова болага бошдан оёқ разм солиб унга бир иккита савол бериб кўрди. Аҳмаджон устозининг саволларига бийрон-бийрон жавоб берди.

# Касбга садоқат



унинг қалбида математикага муҳаббат уйғотди.

У бешинчи синфга чиққанида ўша даврдаги мактаб директори Ражаббой ака Бобононовдан математиканинг илк сабоқларини олди ва математика фанига шунчалар ихлос қўйдикки, ҳатто мисолу масалалар тушларига қайрилиб чиқарди. Бир кун математика дарсида ёзма иш олинаётгани. Аҳмаджон мисол ва масалаларни ҳаммадан бурун ечиб устозига олиб борди. Устоз унинг ёзма ишини диққат билан текшириб, икки баҳо қўйди. Ҳафсаласи пир бўлган Аҳмаджон ёзма ишини қўлига олиб қаерда хато қилганлигини англади. У мисол масалаларни шошма-шошарлик билан ишлаганлигини пайқайди. Шунда устози:

– Ўғлим, математика аниқ, исбот-талаб фан. Бунга шошма-шошарлик кетмайди. Етти ўлчаб бир кесиш керак, – деган эди.

Шу-шу Аҳмаджон устозининг берган ўғитларини қўлидан чиқармади. Мисол ва масалаларни ечишга масъулият билан ёндаша бошлади.

Ўрта мактабни муваффақиятли тугатганидан кейин Аҳмаджон Собиров 1975 йили Бухоро давлат институти-

га ўқишга кирди. Ундаги математика фанига бўлган интилиш ва иштиёқни кўрган институтдаги устозлари биринчи курсдаги талабалар ўртасида ўтказиладиган фанлар олимпиадасига қатнашишга рухсат беради. Ваҳоланки, талабалар бу олимпиадаларга учинчи ва тўртинчи курсларда қатнашарди. Иккинчи курсдаги талаба ана шу олимпиаданинг Республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаган Аҳмаджон институт раҳбариятининг назарига тушади. Ўқишни тамомлаш арафаларида устозлари унга Новосибирскийда аспирантурада ўқишни давом эттиришни таклиф қилди.

Аҳмаджон отасига бор гапни айтди. Йўлдош ака унга қараб шундай деди:

– Ўғлим, тўртта уканг ҳам мактабни тамомлаяди. Оилавий шароитимиз оғир. Улар ҳам сенга ўхшаб олий маълумотли бўлишлари керак. Ном қозонаман, обрў-эътибор топаман, десанг шу ердаям эришса бўлади. Фақат ишинга хиёнат қилмай, ҳалол ишласанг, бас.

Ўқишни тамомлаб келган йигит Шовот туманидаги рус тили мактабига математика ўқитувчиси қилиб ишга юборилади. Шу билан бирга туман-

нинг энг олди математикларидан Рўзимбой Сирожиддинов ташкил этган махсус мактабда ҳам фаолият олиб борди. Куч-ғайратга тўлган, билимли бу йигит отаси ва устозларининг ўғитларига қўлоқ тутиб, ўқувчиларга чин ихлос ила билим бера бошлади. Шогирдлари олий ўқув юртига кириб, унинг юзини ёруғ қилди. Отаси айтганидек, Аҳмаджоннинг эл орасида обрўси ошди, меҳнатлари бесамар кетмади. 1989 йили "Катта ўқитувчи" фахрий унвони, 1990 йили "Халқ маорифи аълочиси" кўкрак нишони, 2008 йили эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", ўтган йили "Ўқитувчи ва мурабийлар кўни" муносабати билан эса устозга "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони берилди.

2010 йили Аҳмаджон Собировни тумандаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактабга ишга таклиф қилишади. У ҳозиргача гарчи нафақада бўлса-да ушбу даргоҳда ёш авлодга математика фанидан сабоқ бериб келмоқда. Халқаро олимпиадаларнинг олтин медаллари соҳиби Ҳакимбой Эгамбергенов, фан доктори Алишер Яхшимуродов, Нурбек Хўжатов, Беҳруз Қурбонбоев сингари етук муаллимлар ҳам устозининг шогирдларидан. Буларнинг номларини кўплаб келтириш мумкин.

– Мен туманимизнинг энг билимли математиклари қўлида таҳсил олганман. Бекчон ака Қозоқов ана шундай устозлардан эди, – дейди А.Собиров тўлқинланиб. – Устозларимнинг менга берган билимларини шогирдларимга қайтараётганимдан хурсандман.

Ҳа, Аҳмаджон Собиров отаси айтганидек, эл-юрт орасида ҳурмат, обрў-эътибор топди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**  
"Qishloq hayoti" муҳбири.



– Ҳозирги кунда туманимизда икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади, – дейди бекободлик нуруний, "Меҳнат шўҳрати" ордени соҳиби Эргаш Рўзиев. – Уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан доимо хабар олиб турамыз. Бундан фахрийларимиз мамнун.

Шулардан бири туманинг Хос маҳалласида яшаб келаётган 100 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Ҳолиқберди Аллабердиевдир. Қаҳрамонимиз 1-Украина fronti жанглирида иштирок этиб, ғалаба билан қайтгач, узоқ йиллар халқ хизматида бўлди, 8 нафар фарзандни тарбиялаб, 68 нафар невар, 15 нафар эваранинг суюкли бобоси ҳисобланади.

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.**

Инсоният қадимдан олов билан ҳамнафас яшаб, ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келган. Бироқ оловдан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга тўғри амал қилинсагина ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади. Кундалик турмушимизда ўзи оддий, ammo аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим хушёр бўлишни талаб этади.

## Ўйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлсин!

Оддий бир мисол: болаларнинг гурут, олов билан ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқиши мумкин. Қаранг, озгина эътиборсизлик катта офатга сабабчи бўлади. Аслида, боласининг ҳаракатини доим назорат қилиш ҳар бир эътиборли аёлнинг одатдаги ишидир.

Қолаверса, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзгор юмушларини бажаришда электр асбобларининг фақат созларидан, тўғри фойдаланишга одатланиши лозим. Бунинг учун озгина кунт қилинса кифоя. Ўйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади. Электр асбоб-анжомлардан фойдаланиб бўлгандан сўнг, электр тармоғидан узишни асло унутмаслик керак. Уйдан чиқа туриб, газ асбоблари ва электр чироқларини албатта, ўчириш лозим. Хонада газ чиқаётгани сезилса, чироқ ва бошқа электр асбоблари, учкун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиби кетиши ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади.

Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш жуда хавфли. Ошхонада қозондаги ёни доғ қилаётганда назоратсиз қолдириш ҳам аянчли ҳолларга олиб келиши мумкин. Ёқиб қўйилган электр иситгич асбобларни, электр дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг!

Уларни фақат ёнмайдиган материалдан бўлган махсус тагликка қўйиш лозим. Телевизор ёқилган ҳолда назоратсиз қолмасин. Асло ностандарт орқали улаш хавфли. Аинқиса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очик жойда қурилгани маъқул. Уй томларида ҳар хил ёнғичи буюмлар, иккиламчи уй-рўзгор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли. Аинқиса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин.

Азиз фуқаролар, оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, талабларига тўла ва аниқ амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлқимаймиз.

**Д.М.НОРМАТОВ,**  
Янгийўл тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.

## ЭЪЛОН

"Мирзо Улўбек Коммунал Қурилиш Ташкирати" МФКга тегишли М.Улўбек туманида жойлашган, Хўмоюн мавзеси 3-А-уйнинг кадристр ҳужжатлари йўқолиши сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент молия институти спорт мажмуасида "Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи" шиори остида вазирлик, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган аёллар ўртасида спортнинг сузиш, шахмат, стол тенниси, бадминтон, енгил атлетика ва гимнастрада турлари бўйича фестивал ўтказилди.

## Спортсевар аёллар фестивали

Фестиваль Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Э.Боситхонова мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос турларини ривожлантириш ва шу орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган самарали ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, вазирлик, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган аёл ходимларнинг бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун юртимизда зарур имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Жумладан, хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган "Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи" спорт мусобақалари ҳам уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишлари учун хизмат қилиши шубҳасиз.

"Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи" шиори остида ўтган фестивалда 24 та жамоа таркибида 12 нафардан иштирокчи спортнинг олти тури бўйича ўзаро рақобатлашди.

Тадбир якунига кўра барча жамоалар турли номинациялар бўйича ғолиб, деб эътироф этилди, ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
ЎЗА муҳбири.

## РЕКЛАМА

**PLANETA SERVIS**

**ТРАКТОРВОР.UZ**

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

**(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125**

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

**JOHN DEERE**

**MONOSEM**

«Monosem» компанияси лахта, мош, маккажўхори ва соя уруғларини екиш учун аниқ экадиган севлакни тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12, қатор оралиғи: 60см, 76см, 90см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

**WWW.LANDTECH.UZ**    **+998 90 325 49 99**    **+998 93 181 11 66**    **+998 78 150 76 66**

Маҳсулотлар сертификатланган.    Хизматлар лицензияланган.

## Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – **Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Жамшид ХҲАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари  
**Раимқул СУЯРОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50.  
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.  
Факс – 233-44-43, 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Бюджет № 225, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди. 5 148 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 02.10

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
**А.ҲАҚБЕРДИЕВ**